

Qishloq ҳаёти


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqib boshlagan



- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га биноан Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Н.Кучерский "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.
- **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида** «Хукукий маданиятни юксалтириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Тошкентда «Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ҳукуматда ва жамиятда қўллаш» мавзусида тренинг бошланди.
- Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси Ижтимоий химоя йилга бағишлаб танлов ўтказди.
- Термиз шаҳрида «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзусида ўтган семинар ўтказилди.
- Кумкўргон туманидаги «Арпапо» маҳалласида 720 ўринли касб-хунар коллежи кад ростлади.
- Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ағонадир, Ватан биттадир» кўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди.
- «Соғлом авлод учун» жамғармаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қандли диабетга чалинган болаларга бағишланган хайрия тадбирини ўтказилди.
- «Мафтункор ранглар дунёси» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичи муваффақиятли якунланди.
- Зангиота туманидаги «Қатортол» кишлоғида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади.
- Пойтахтдаги Алишер Навоий санъат саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги ташаббуси билан суратга олинган янги «Панох» бадий фильмининг тақдими бўлиб ўтди.
- Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида Республика маънавий тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Обод маҳаллада пок одамлар яшайди» мавзусида маънавий-хукукий тадбир ўтказилди.



Зангиота туманининг Наврўза маҳалласида ташкил этилган «Нисо текстил» хусусий корхонасида 40 нафар тикувчи хотин-қиз самарали меҳнат қилмоқдалар.

Бу цехни ишга туширишдан асосий мақсадимиз, фақатгина тадбиркорликни йўлга қўйиб аҳолига хизмат кўрсатиш эмас, балки туманимиздаги аёлларни иш билан таъминлашдан иборат эди. — дейди корхона раҳбари Р.Ҳабилбаева. — Ҳозирги кунда аёлларимиз тикувчилик сирларини мукамал ўрганишиб, жажжи болажонлар учун бежирим ва қулай кийимлар тикмоқдалар.

СУРАТДА: тикувчи қиз Наргиза Эргашева. **К.ЎЛМАСОВ** олган сурат.

Тошкент вилояти

Мустақиллик қадирғочлари

Интилиб яшашнинг гашти ўзгача

Норин туманидаги табиий фанларга ихтисослашган 14-умумий ўрта таълим мактаб-интернати ҳудудда таъриба тариқасида мустақиллик йилларида ташкил этилган лицейлардан бири.

Илмгоҳда ўқувчиға сабоқ бериш усули ҳам оддий мактаблардагидан фарқ қилади: дарслар янги педтехнологиялар талаби бўйича, интерфаол, ностандарт ва бошқа усулларда кўргазмали куруллар ҳамда техника воситалари ёрдамида ўтказилади.

Давлат таълим стандартлари талабларига алоҳида эътибор қаратаётганлик боис, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши йилдан-йилга ўсаяпти. Бунинг самараси ўларок, шу кунгача мактаб-интернатга Андижон, Наманган каби вилоятлардан тест-синови натижалари бўйича танлаб олинган 493 нафар битирувчининг барчаси республикамиздаги олий ўқув юртига талабалikka қабул қилинган.

Шунингдек, битирувчи Нуржон Маширамов «Акселс» танлови ғолиби бўлиб, Американинг Огайо штатида

таҳсил олаётир. Бахтиёр Абдураулов, Барно Эргашева, Мохичеҳра Ҳасанова кабилар фан олимпиадаларидан республика миқёсида совринни қўлга киритдилар, бу эса ўқувчиларни билим сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ундаяпти.

Ўқув тизими мунтазамлигини таъминлаш ҳамда дарс жараёнини такомиллаштириш мақсадида ҳар йили мавжуд фанлар бўйича 100 соатдан ортиқ очик дарслар ўтказилади. Бундан ташқари, «Давлат тест маркази» билан ҳамкорликда битирувчиларни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мухим стратегик тармоқлар корхоналарининг устив жамғармаларида давлат улушини кескин камайитириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Куйидигилар тасдиқлансин:
 - давлат активлари очик савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати, 1-иловаға мувофиқ;
 - Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан давлат акциялари пакетлари, жумладан назорат пакетлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан очик савдоларда сотилиши лозим бўлган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятларининг рўйхати, 2-иловаға мувофиқ;
 - барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан қурилиши тугалланмаган корхона ва объектлар рўйхати, 3-иловаға мувофиқ.

Давлат мулки қўмитаси иштирокида 1-иловаға киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш натижаларига кўра, инвесторлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан уларни бепул сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлари, идоралари, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1-3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ва бошқа давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 1-2-иловаларга киритилган корхоналарнинг аввал хўжалик бошқаруви органлари (акциядорлик ва холдинг компаниялари) устив жамғармаларига берилган акциялар давлат пакетларини сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3897-сонли Фармониға мувофиқ берилган «олтин акция»ни жорий этиш бўйича ҳуқуқни пахтани қайта ишлаш ва ёр-мой саноатининг хусусийлаштирилмаган корхоналарига, «Тошкент трактор заводи» ОАЖға нисбатан қўллаш мақсадида мувофиқ деб ҳисобласин.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Мамлакатимизда 1992 йилдан буён корхона ва объектларни хусусийлаштириш ишчи ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат мулкчилиги монополиясини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларини белгиловчи шакли сифатида қарор топшини таъминлади, ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланиши учун шарт-шароит яратди.

Ҳозирги вақтга келиб, нодавлат секторнинг улуши саноатда 80 фоиздан кўпроки, қурилишда — 88,4 фоиз, алоқа соҳасида — 96,6 фоиз, кишлоқ хўжалигида — 99,9 фоиз, савдо соҳасида эса қарийб 100 фоизни ташкил этмоқда.

Хусусий мулкчиликни шакллантириш, иқтисодиёт таркибида унинг роли ва улушини ошириш мамлакатда амалга оширилётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида унинг деярли барча соҳаларида хусусий сектор етакчи мақомага эга бўлиб қолди ва хозирги кунда яппи ички маҳсулотнинг 75 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг

устувор йўналишларига бағишланган мақсидида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «... биз хусусийлаштиришга нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни тубдан ўзгартиришимиз иқтисодиётнинг кинё, электротехника саноати, кишлоқ хўжалиги машинасанолиги, қурилиш материаллари саноати каби ва бошқа етакчи тармоқлар корхоналарининг акцияларини аукцион (кимошди) савдоларига қўйиш борасида олға томон қатъий қадамлар ташлашимиз зарур...».

Республикамизнинг фонд бозори ва қимматли қозғалар бозоридида ишларнинг аҳоли бўйича қатор танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Талабаларнинг товланиш даври



умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида амалга оширилаётган капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларида, Республика ва вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилаётган спорт иншоотларида ҳамда болаларнинг ёзги соғломлашти-

риш оромгоҳларида, 6 та «Бунёдкор — 2007» меҳнат отрядлари фаолияти ташкил этилиб, 122 нафар кўнгилли ёшлар ихтиёрий равишда жалб қилинди. — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Ойбек Каримов. — Бугунги кунда вилоятимизда 6 та «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари фаолият юритмоқда. Жумладан, «Сарбонтек» қўшма корхонасида Гулистон Давлат университетининг тарихи ҳамда филология факультетидан 21 нафар, Гулистон шаҳридаги 16-мактабда амалга оширилаётган реконструкция ишларига педагогика факультетидан 20 нафар, Гулистон шаҳридаги санъат

олий ўқув юртига тайёрлаш, устоз ва шогирдлик аъянаси ҳам кенг йўлга қўйилган.

Илмгоҳ тасарруфида бог ва мевазор, асарларчилик ташкил этилган. Ана шунинг ўзидан мавсумда 6 миллион сўм соф даромад қўрилди. Буш вақтларда ишлаб топилган маблағ ҳисобига меҳнат ахлини ва кам таъминланган ўқувчиларни моддий қўллаш қаторида ҳоимийлик қилишга ҳам имкон яралмоқда.

Ислохот ва истиқлол берган имкониятлар тўғрисида уларнинг асрий орзуси ушалди. Фарзандларимиз дунё таниб, кези келганда, билими, кучи, салоҳияти билан бошқаларни лол қолдирмоқда. Бундан-да ортиқ бахт бўлиши мумкинми?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист.

Наманган вилояти

ўртасида кенг тарғиб этиш, уларнинг миллий истиқлол ғояси руҳида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқатли бўлиб тарбия топилларига кўмаклашиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил қилинган «Истиқлол қарвони» аъзолари билан учрашув ташкил қилинди.

Харакатнинг вилоят бўлими Кенгаши ҳамда Гулистон Давлат университети томонидан талабаларни моддий рағбатлантириш ва иш суръатини ошириш мақсадида отряд аъзолари орасида «Энг фаол отряд» ҳамда «Энг фаол отряд аъзоси» танловлари ташкил қилинди. Бугунги кунда отряд аъзолари орасидан табиатшунослик факультетидан Тўлқин Анваров, Ҳасан Сариев, тарих факультетидан Абдулла Бойшанов, Жаҳонгир Қўчқоров, Шерзод Қурбонов, филология факультетидан Комила Жаҳибаева, Гавҳар Тулиева ҳамда педагогика факультетидан Шаҳзод Султонов ва Фулом Эгамбердиев қолганларга ўрнатилган келмоқдалар.

Шомурод ХОЛМУРДОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сирдарё вилояти

Регистрон ансамблидаги Шердор мадрасасида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб, ашула ва рақс дасталарининг «Самарқанд садолари» Республика кўрик фестивали ўтказилди.

Самарқанд садолари янгради

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг жомалари иштирок этиди. Олий мукофот — Фарғона вилояти Кува тумани «Анор», биринчи ўрин — Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманининг «Дарғом тароналари», Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг «Шалол» ансамблларига насиб этди.

Самарқанд шаҳрини мадҳ этувчи «Энг яхши кўшиқ ижрочиси» йўналиши бўйича «Шалол» ансамбли хонандаси Умиджон Туронов ғолиб деб топилди.

«Мафтункор ранглар дунёси»

Вилоят ёшлар марказида 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» Республика ижодий-бадиий расмлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман, шаҳар босқичларида ғолиб чиққан 30 нафардан зиёд расм болалар ўзларининг она-Ватанга муҳаббат, дўстлик ва меҳр-оқибат туйғулари акс этган ижодий ишларини намойиш этишди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринни эгаллаган каттакўргонлик Нозима Исмоилова, иккинчи ўринни эгаллаган иштихонлик Акром Асамов танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Самарқанд вилояти

Тошкентлик Мақсудбек Алимбеков - боғбонликнинг ҳадисини олган одам. Иланидан чарчамайди, қаердаки бўш жой кўрса, кўчат экиси келаверади.

Мана бу темир йўл болалар касалхонасидаги мевали дарактларни кўраётганимиз, шунинг барини Мақсудбек эккан, - дейди бир отахон.

Мақсудбек акадан дарактлар ҳақида сўрасангиз соатлаб сўхбатлашади. Ховлисдаги ҳар бир даракт, ҳар бир ўсимликнинг ўзи номи, ўз тарихи бор. Шундай бир дарактлари борки, бир томони олма бўлса, бир томони номи. Яна бир дарактда уч хил туг: бир томонида балх тут аллақонлар пишиб бўлган, яна бир томонида Япон тути энди пишяпти, яна бир томонида қора шотут гарк пишган.

Дарактларни пайванд қилишни, кўчатларни экиб кўпайтиришни бошлаганимга 30 йилдан ошди. Ушандан бери қаердаки яхши, серхосил навли мевали дарактни кўрсам, албатта, пайванд қилиб етиштириман. Агар даракт эгаси менга ўша яхши нави бермас ун кун бўлсам уйининг олдида кетмайман, - дейди сўхбатимиз чоғида Мақсудбек ака.

Оёғим етган жой борки, албатта, кўчат экман. Экологик тоза, хил-хил пишган меваларни дарактнинг ўзидан олиб ейтишини гашти ўзганча. Бу ерда маҳаллардаги болалар дарактлари, ўсимликларга қандай муносабатда бўлиши ҳам яхши билладилар. Чунки, биринчи отаси, яна биринчи акиси, бобоси менинг устозу



Хўшлар ҳам мусиққа тинглайди

дейди дарактларнинг "тили"ни тушунган боғбон шогирдларим. Агар кела-келгунча эътибор берган бўлсангиз энг кўп мевали дарактлар экилган маҳаллалар бизнинг томонда. Бирининг уйига борсам "Қани курган уйингни кўрсат" деймайман, "Қани нима эккансан?" деб сўрайман.

Боғбон менга ўсимликларни таништирди. "Мана бу Олгой "тилла илдизи" одамни яшартиради, майнинг аниқ бир кунда, яъни 5 йилдан кейин илдизи қазилда. Мана бу Франция ялғизи, юрак касалликларига даво, 40 дан ошқ тури бор. "Мана бу афгон сирени, мана бу хинд сирени, мана буниси бамбук 50 кунда 6 метр ўсиб, кейин ўсишдан тўхтайдди".

Даракт шохига олиб қўйилган буйи бир метрдан ошқ кўчатларнинг одатдагидан беш марта тез ўсишни тажрибада синнамиз, - дейди Мақсудбек ака гап орасида. - Нима, америкалик олим кўчатларни бир кунда уч марта қимирлатиб - жисмоний машқ қилдириб, нилларнинг уч марта тез ўсишни исботлаганда, мен тажриба ўтказсам бўлмайми, деб ўйладим.

Хамма кўчату ўсимликларингиз чет элники. Буларни қаердан топгансиз? - Асли касбим хайдовчилик. Ўзбекистон ҳаво йўлларида 30 йилдан бери хайдовчилик қиламан. Чет элларга уаётган зобод маҳалласида дарактларга симфоник мусиқа эшиттириб кўчатларнинг одатдагидан беш марта тез ўсишни тажрибада синнамиз, - дейди Мақсудбек ака гап орасида. - Нима, америкалик олим кўчатларни бир кунда уч марта қимирлатиб - жисмоний машқ қилдириб, нилларнинг уч марта тез ўсишни исботлаганда, мен тажриба ўтказсам бўлмайми, деб ўйладим.

Мақсудбек акани нафақат ўз маҳалласида, балки бошқа маҳаллаларда ҳам танишаркан. Барчасининг қўли кўксиде. Салом бермаган уйинқароқ болаларга ўзи кўксига қўлини қўйиб саломлашади. Шунда ўсимлигу дарактларга бор меҳрини беролган саҳийқалб бу кишининг инсонларга-да меҳри ошқ эканлигини ҳис қиласиз.

Ўқинг, қизик

Жетон қачон пайдо бўлган?

Дастлабки жетонлар қачон пайдо бўлганини ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо 1934 йилда қилган "Первый советский метрополитен" китобида кириш ва чиқиш жойларида ўрнатилган турникетлар тасвирланган эди.

"Енингизда турган автоматнинг кичик тирқишига жетон ташлаб, кириш учун рухсат олишингиз мумкин", деб ёзилган эди бу нашрда. 1935 йилнинг биринчи февралда "Уртасида металл жетонларни қабул қилиб оладиган қолдусимон тешиги бўлган" қурилма ясалган. 1958 йилда автомат турникетлар ишга туширилган. 1961 йилда турникетлар беш тийинлик тангаларни қабул қилишга ўтган. 1992 йилнинг 1 мартидан бошлаб яна жетонлар амал қила бошлаган.

Электрон микроскоп

Жамият ривожини, фан ва техниканинг ўсиши нотиник материаллар ичини кўриш, ундаги жараёнларга назар солишни тақозо эта бошлади. Олимлар ва муҳандислар ҳар қандай нотиник жисм ва муҳитдаги нарсани кўрсатувчи интроскоп деган асбобни яраттиди.

"Интроскопия" грекча сўз бўлиб, "интро" - ич, "скоп" - кўраман, яъни "ичини кўраман" демакдир. Шундай экан, унинг асосий мақсоди - турли хилдаги материалларни, машиналарни, деталларни ичини очмасдан, бузмасдан уларнинг ички сифати ва хусусиятларини аниқлаб баҳаридан усуллар ва асбоблар яратишдир.

Хуллас, интроскоплар нотиниклиги туфайли шу пайтгача кишилар кўзига кўринмай келган жамки нарсаларга ниҳоят ташлаш имконини беради. Интроскопия хилма-хил нуриланган жисм ичига кириб, уни ёритишга асосланган. Ёритилган жисм шундан яратилмайдди, балки у магиз-магизгача шаффоф олақада бўлиб кўринади. Микроскоплар голландиялик машҳур олим Левенгук томонидан 1871 йилда ихтиро қилинган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

МАРК ТВЕН ИХТИРОСИ

Ён дафтар - блокнот французча "блокнотес" сўздан келиб чиққан бўлиб, унинг ихтирочисини ёзувчи Марк Твендир. Манбаларда кўрсатилишича, блокнот 1873 йил 20 декабрда дунёга келган. Марк Твен Виржиния-Сити шаҳрида газета мухбири бўлиб юрган кезларида шундай ён дафтарча тўғрисида ўйлаб қўйган.

Дастлаб актёрлар роллардаги сўзларни ёллаш, журналистлар рақам-фактларни белгилаш учун фойдаланиб юришди, кейин ён дафтар оммалашиб кетди.

Антон Павлович Чехов бўлгуси асарларининг қаҳрамонларига қўйилган номларни ҳам блокнотга ёзар экан.

Абдулла Қаҳҳор бир ижодий жараёнда ён дафтарининг қанчалар иш берганини шундай эсланган: "Мен "Анор" деган хикояни ёзганимда бошқоронги хотиннинг ҳолатини шу кунларда мушоҳада қилганим йўқ. Бошқоронги хотиннинг ҳолати менинг ён дафтаримда бор эди. Бунинг мен бир пайтлар дафтарга шундай қайд қилиб қўйган экман: "Эр хотинга жаннатнинг таърифини қилади. Хотиннинг кўзига хавзи-кавсар ва унда сузиб юрган балқидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Чунки, хотин балиқча бошқоронги..."

Журналда шундай хотира ўқиб қолдим. "1942 йилнинг қаҳрамон киши. Москва вокзалларининг бирида жингалак сочли ўзбек йигити қўларини жавдиратиб ўтирарди. Шу пайт унинг ёнида бир киши ўтиб қолди, қўлида янги блокноти бор эди. Йигит иргиб ўрнидан турдию, "Блокнотингизни сотмайсизми?" деб сўради. У пайтларда қозғ ниҳоятда кам бўлган сабабими, блокнот анқонинг уруғи эди. Нотиниш киши йигитга тикилганича деди: "Сотмайман-у, лекин нонга алмаштиришим мумкин". Жингалак сочли йигит ўша фурсатда ўзининг ҳам қорни тўқ бўлмасида, нонини халиги блокнотга алмаштириб олди. Ўша йигит машҳур ўзбек адиби Ойбек эди. Нонга алмаштирилган мазкур блокнотга "Кўёш қораймас" романининг дастлабки режалари тушади, деб ўша пайтда ким ҳам айта оларди.

Хуллас, зиёлиларга, алаҳқуси, ижод аҳлига ён дафтар гўё жон дафтар ўрнидаки, усиз ишлаш қўйин-да.

Рустамжон УММАТОВ

СПОРТ

Омад келмаса ҳам қийин экан

Футбол

Ўзбекистон терма жамоаси Осие Кубоги баҳсларининг чорак финалида Саудия Арабистони футболчиларига 1:2 ҳисобида мағлуб бўлиб, мусобақани эрта тарқ эттишга мажбур бўлди.

Соломин гол уриб, ҳисобни биттага қисқартирди. Умид учкунлари пайдо қилган голдан сўнг, вакилларимиз ҳарчанд уринишмасин, рақиб дарвозасига бошқа гол киритилмади.

Учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ Игнаций Нестеров дарвозасига Есир ал-Қахтоний томонидан гол киритилди. Ушбу вазиятда қарбларнинг ҳужумкор ярим ҳимоячиси чал қанотдан чиройли юриш қилди ва Анвар Гофуров футболчи ҳалақат беролмади. Утказиб юборилган голдан сўнг вакилларимиз тинмай ҳужумлар уюштиришди. Бирок гоҳ дарвоза тўсини, гоҳ шу кунги яхши уйнаган араблар дарвозабони кетма-кет ҳужумларни бартараф этди. Бир вазиятда эса қанот ҳаками Максим Шацкининг ҳаққоний голини инобатга олмади. Биринчи бўлим юртдошларимизнинг тўлиқ ташаббуслари билан тугади. Иккинчи бўлим ҳам шу йўналишда давом этди.

Ахмад ал-Муса ҳисобни иккигача оширди. Саудия Арабистони "ўчилиги" ярим жамоамизни тўқ қолдириб, вакилларимизни қийин аҳволга солиб қўйди. 81-дақиқада Павел Рағфиди, - деб таъкидлади Рағфиди Иллевев матбуот анжуманида. - Мен ҳеч қачон ҳакамларга даъво қилмайман. Афсуски, шунчаки омадимиз чоғида.

Футбол бугун биздан юз ўғирди, - деб таъкидлади Рағфиди Иллевев матбуот анжуманида. - Мен ҳеч қачон ҳакамларга даъво қилмайман. Афсуски, шунчаки омадимиз чоғида.

Теннис

Оқгулнинг иштироки ёмон эмас

Америка Қўшма Штатларининг Цинцинатти шаҳрида WTA топсига кирувчи аёллар теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Мақзур нуфузли турнирда иштирок этган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова яхши натижага эришди. У ярим финалда ўзидан анча тажрибали бўлган япониялик Акико Моригами билан қорда кўч синнади. Уйинда Омонмуродова бир қатор "эйс" зарбалари ор-

қали рақибасини қийин аҳволга солиб қўйди. Аммо кўп йиллик тажрибага эга Акико юртдошимизни мағлубиятга учратди. Финалда китъадошимизга россиялик ракетақибаси Анна Чакветадзе рақиблик қилди. Мусобақада биринчи рақам остида қайд этилган Анна 6:1, 6:3 натижаси билан "қасбдош"дан устун келди. Мусобақа кубоги ва 25 минг 840 доллар эгасига айланган Чакветадзе фаолиятидаги бешинчи галабасини нишонлади.

Формула-1

"Формула-1" бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, испаниялик Фернандо Алонсо ушбу мавсумдаги учинчи пойгада голийб чиқди. McLagen пойгачиси Германиянинг Нюрбургринг автодромида қаққон ҳаракатлари билан бразилиялик Фелипе Массани ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

БОКС

"Қари деманг бизни!"

Америкалик таниқли боксчи Бернард Хопкинс фаолиятидаги 48-галабани нишонлади. Профессонал рингда дастлаб ўрта вазн тоифасида "муш-тлашган" 42 ёшли боксчи яриммоғир вазнда ҳам ўз кучини синаб кўрди. Унга қарши етти ярим йилдан бери мағлубият нималигини билмай келаватган Рональд Райт рингга кўтарилди. Хал қилувчи раундларда устулик Бернард Хопкинс тарафига бўлди. Унинг кетма-кет йўллаган учлик зарбалари рақибнинг ҳимоясини ёриб ўтарди. Ва, ниҳоят, жанг охирида барча ҳакамлар Хопкинснинг галаба қозонганини эълон қилишди.

Алонсо галаба қозонди

Ferrari вакили анча вақт пойгада етакчилик қилаётганда, бирок якунда иккинчи бўлди. Маррага Red Bull жамоаси вакили Марк Уэббер учинчи бўлиб етиб келди. "Формула-1" умумий рўйхатининг биринчи погонасини Луис Гамильтон 70 очко билан бошқариб турибди. Иккинчи ўринга Фернандо Алонсо кўтарилиб олди. Унинг ҳисобида 68 очко бор. Алонсондан 9 очко кам жамбарган Фелипе Массани учинчи ўрнини эгаллаб турибди.

Кам ейиш ҳам тани - соғайиқ

Тасаввуф таълимотига кўра, қомилликка интилган киши тана аъзоларини ортиқча ва зарарли таомлардан ҳам сақлаб билиши керак экан. Хожа Абдуҳолик Ғаждувоинийнинг "Одоб тарихат" рисоласида шогирди Хожа Авлиййи Кабирга айтган маслаҳатлари бор: "Эй, менинг ўғилгинам, сенга насиҳат қилмайин, тақво (парҳез)ни ўзингга шиор қилиб ол. Уз ҳолатингни доимо қузатувчи бўл". Ва яна: "Кам ичиб, кам е, кам ухлаб, кам гапир. Таомга муҳтож бўлмагунингча, ҳеч нарса ема", дейдилар. Демак, тўғри овқатланиш - руҳнинг соф, тананинг соғ бўлишида зарурий аҳамиятга эга экан.

Асад (Арслон) 23 июль - 23 август

Асад буржида тугилган кишиларда - юрак, йўгон қон томирлари (артериялар), орқа мия, қалқонсимон без заиф аъзолар ҳисобланади. Одатда, "Асад"лар кўп овқатланишни яхши кўради, демак семиртиб кетмаслик учун емак-ичмақда меъёрни билишлари шарт. Улар углевод ва крахмали камроқ, оқсилга бой овқатлар тановулу қилганлари маъқул. Улар қон томирларида холестерин, ёғлар қатлами пайдо бўлмаслиги учун сарғей, серғуш овқатлардан, қандолат маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлардан тийилгани маъқул. Ўсимлик ёғида пиширилган таомлар жуда фойдали бўлиб, қонда холестерин микдори ортиб кетишидан сақлайди.



Иқбол ОРУНОВА тайёрлади.

Автотранспорт - кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усудда!

Мақсулотлар сертификатланган

- 6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси
- "ГАЗ-31105"
- "ГАЗ-3202" русумли тенгли юк машинаси
- "ГАЗ-3309" русумли нон ташин машинаси
- "ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина
- "ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли суг ташин машинаси
- "ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус
- "Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Элга хизмат - олий ҳиммат

Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистоннинг яна бир нечта туманларида "СамАвто" МЧЖ ҳамда "Исузу Моторс Линия-2" компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари аҳолига хизмат қила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Барча кўпайликларга эга бўлган мақзур автобусларда йўловчилар атиги 100 сўм эвазига хоҳлаган манзилгача бемалол етиб олишлари мумкин.

"Тахитатшо" санаторийсида ҳар йили 1,5 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари дам олишади.

Бундан олти йил муқаддам иш бошлаган ушбу соғломлаштириш муассасаси яратилган барча кул шарт-шароитлар туфайли кексаларнинг меҳрини қозонмоқда. Айни пайтда ҳар сменада Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидан таширф буюрган 150 нафар қариялар ўз соғлиқларини тиклашмоқда.

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Қорақалпоғистон Республикаси

<p>Бош муҳаррир Чорн ЛАТИПОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Ағатай АДИЛОВ, Уткир РАХМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНИЙ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Рекламага эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93.</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-626-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун журналистларнинг жавобгар бўлибди</p>	<p>МАЎЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p>
---	---	---	--	--	---	--

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт" - илова), жума кунлари чиқиди. Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 Адади - 13752. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6